

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ ОТАБЕК ЯКУБОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

УДК 811-112.4 (инг)
ББК 81.2 – 5
Ю-91

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Юсупов Отабек Якубович

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик тадқиқи.....5

Юсупов Отабек Якубович

Функционально семантическое и лингвокультурологическое исследование лексических дублетов в английском и узбекском языках..... 29

Yusupov Otabek Yakubovich

Functional-semantic and linguocultural studies of the English and Uzbek lexical doublets55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ ОТАБЕК ЯКУБОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ЛЕКСИК
ДУБЛЕТЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil439; В2020.3.PhD/Fil439 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тухтасинов Илхомжон Мадаминович**
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Мирсанов Ғайбулла Қулмуродович**
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Самигова Хушнуда Ботировна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

А.А. Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.Қ. Турниёзов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги бугунги кунда тилнинг жамиятда, турли халқлар ҳаётидаги функционал жиҳатларини ўрганишга, унинг психолингвистик, лингвокогнитив, лингвокультурологик ва социолингвистик масалаларига асосий эътиборни қаратганлиги билан характерланади. Бу, ўз навбатида, дунё тиллари қатламларида содир бўладиган ўзаро алоқаларни таъминлашга иштирок этадиган қонуниятларни тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Тил луғат таркибининг мунтазам равишда бойиб бориши унинг табиати, кўлами, унга таъсир этувчи омилларнинг роли ва шу каби муаммоларни англаб етиш ва уларга илмий жиҳатдан асосланган ечим топиш заруратини туғдиради.

Дунё тилшунослигида лингвомаданиятшунослик, прагмалингвистика ва когнитив тилшуносликнинг асосий муаммолари бўлиб келган тилнинг динамикасини таҳлил қилиш, тил лексик бирликларининг тарихий тараққиётини белгилаб берувчи қонуниятларни ўрганиш, тилда инсон омили, тил ва тафаккур, тил ва онг, тил ва маданият муносабати ҳамда тил луғат таркибининг бойиб боришини таъминловчи турли ички ва ташқи омиллар бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Тилшуносликда келиб чиқиши жиҳатидан умумий бўлган тил бирликларининг семантик таркибида айрим фарқланишларнинг пайдо бўлиш сабаб ва оқибатларини очиб беришга доир янги қарашларнинг юзага келиши, сўзларнинг семантик структурасида содир бўладиган ўзгаришлар табиатини қиёсий типологик жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш мақсади мазкур тадқиқот мавзу ва йўналишининг жаҳон тилшунослиги анъаналари билан узвийлигини белгилайди.

Мустақилликдан кейинги давр ўзбек тилшунослигида тил тизими бирликларининг систем – семантик ва функционал – коммуникатив таҳлилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, лексик бирликлар семантикасини кўп аспекти қиёсий-тарихий метод ёрдамида таҳлил қилиш кутилган самарани бермоқда. Лексик дублетларнинг лингвистик табиатини ўрганиш ҳам катта илмий янгилик бўлиши шубҳасиз, аммо ҳозиргача лексик дублетлар ходисасининг умумлингвистик моҳияти ва ҳар бир тилдаги ўзига хос жиҳатлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши, шу билан бир қаторда, лексик дублетларнинг икки қардош бўлмаган тил – инглиз ва ўзбек тиллари миқёсида чоғиштириб тадқиқ қилиниши ҳанузгача амалга оширилмаган. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг¹ давлат дастурида устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилган илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, тилшунослик соҳасида ҳам чуқур ва янгича изланишларда тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль, - №28 (6722).

Шунга кўра, чет тилини ўрганиш жараёнида сўзларнинг лексик-семантик жиҳатдан дублетлик хусусиятлари уларнинг семантик имкониятларининг турли матнларда фаоллашуви каби масалалар муҳокамаси бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида XX асрда лексик дублетларнинг лингвистик табиати юзасидан тавсифий, қиёсий-тарихий ва тарихий-этимологик характердаги кўплаб тадқиқотлар яратилди. Лексик дублетларнинг лингвистик табиати тадқиқи семантика нуқтаи назаридан ҳам, фонетика нуқтаи назаридан ҳам тилшунослар эътиборини ўзига тортиб келган. Шу билан бирга, ҳозирги замон лексикологиясида асосан луғат таркиби тарихий тараққиётининг турли жиҳатларини ёритишга бағишланган жуда кўп масалалар махсус тадқиқ қилинмаган. Мазкур муаммонинг тўлақонли тадқиқи учун тилнинг луғат таркиби тил тараққиётининг ҳар бир босқичида алоҳида таҳлил қилиниши лозим.

Лексик дублетлар жаҳон ва ўзбек тилшунослигида асосан қуйидаги йўналишларда тадқиқ қилинган. Лексик дублетларнинг тил бирлиги сифатидаги мақомини аниқлашга бағишланган изланишлар Н.Н.Амосова (1956), А.И.Смирницкий (1998), И.В.Арнольд (2012), Ш.С.Рахматуллаев (2006), А.Ҳожиев (2012), М.Миртожиев (2010), И. Кўчқортоев (1977)² ва

² Амосова Н.Н. Этимологические основы словарного состава современного английского языка. –М.: Издательство литературы на иностранных языках, 1956. -218 с.; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –М.: Московский Государственный Университет, 1998. - 260 с.; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка: учеб. пособие. –2-е изд., перераб. –М.: ФЛИНТА: Наука, 2012. – 376 с.; Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Университет, 2006. - 464 б.; Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981. -312 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили

бошқа олимлар лексик дублетларнинг айрим соҳаларини ўрганиш бўйича муҳим ишларни амалга оширганлар. Лексик дублетларнинг келиб чиқишига алоқадор масалалар И.А.Василевская (1966), В.М.Лейчик (1973), М.И.Чернышева (1994), И.Ф.Жданова (1953), А.П.Деркач (1954), Н.М.Локтионова (2002), Х.В.Мирзахмедова (2017), Б.Х.Данияров (2020)³лар томонидан ўрганилган.

Инглиз тилидаги лексик дублетларни ташкил этувчи компонентлар ўртасидаги муносабатлар табиати бўйича А.В.Кунин (1972), Е.Ф.Дмитриева (1954), М.С.Айрапетян (1953), В.И.Фадеев (1970), Ю.Д.Апресян (1974), И.В.Царевская (2006)⁴ каби олимларнинг илмий тадқиқотлари мавжуд.

Дублетларнинг морфологик хусусиятлари (С.Fehringer, 2004; I.Hegedűs, 2014), инглиз тили луғат таркибида ва сўз ўзлаштиришда дублетларнинг аҳамияти (А.Мс.Mahon, 2000; В.Л.Hoffer, 2005), дублетларнинг таснифи ва гуруҳлари (А.Р.Sesarsdóttir, 2015), турли соҳаларда қўлланиладиган дублетларнинг семантик аспекти (А.Буşilă, 2018)⁵ борасида ғарб тилшунослари томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин шу кунга қадар инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар лингвокультурологик, функционал ва чоғиштирама аспектда тўлиғича ўрганилмаган. Мазкур иш инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг лингвокультурологик табиатининг чоғиштирама тадқиқига бағишланган.

семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. - 284 б.; Кўчкортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. - 168 б.

³ Василевская И.А. К вопросу о формальной дублетности иноязычной лексики в заимствующем языке (на материале русского языка XVIII века) / В кн. Процессы формирования лексики русского литературного языка (от Кантемира до Карамзина). –М.: Наука, 1966. - 330 с.; Лейчик В. М. Термины-синонимы, дублеты, эквиваленты, варианты // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. Вып. 2. –Новосибирск, 1973. – С. 103–107.; Чернышева М.И. К вопросу об истоках лексической вариативности в ранних славянских переводах с греческого; переводческий прием «двуязычные дублеты» // Вопросы языкознания. №2. –М., 1994. - С. 97-107.; Жданова И.Ф. К вопросу о скандинавских заимствованиях в словарном составе английского языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. –М., 1953. -20с.; Деркач Л.Т. Интернациональные слова общего значения в современном английском языке, Автореф... дис.канд. филол. –М.: Наук, 1954. – 16 б.; Локтионова, Н. М. Семантические реалии онтологии языкового знака. Автореф. дис. ... доктора филологических наук. — Краснодар: Кубан гос. ун-т., 2002. - 43 с.; Мирзахмедова Х.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PHD) диссертацияси автореферати. –Т., 2017. - 42 б.; Данияров Б.Х. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нуткий муносабати, лексикографик тадқиқи. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2020. - 68 б.

⁴ Кунин А.В. Фразеология английского языка. –М.: Международные отношения, 1972. –288 с.; Дмитриева Е.Ф. Этимологические дублеты латино-французского происхождения в современном английском языке: Дис. канд. филолог. наук. –М., 1954. –180 с.; Айрапетян М.С. Этимологические дублеты в системе французского языка. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –М., 1953. - 28 с.; Фадеев В.И. Этимологические дублеты общего происхождения в английском и русском языках. Автореф. дис. канд. фило-лог. наук. –Киев, 1970. -26 с.; Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. –М.: Наука, 1974. -366 с.; Царевская И.В. Этимологические единицы общего происхождения: лексико-семантический аспект исследования (на материале русского и английского языков). Дис...канд. филол. наук. –Краснодар, 2006. – 236 с.

⁵ Fehringer С. How stable are morphological doublets? A case study of /schwa/[similar]~ Ø variants in Dutch and German //Journal of Germanic linguistics. №. 4. – 2004. - С. 285-329.; Hegedűs I. Affix doublets and affix rivalry in the history of English //Argumentum. – 2014. –Т. 10. – С. 312-324.; McMahon А. Lexical phonology and the history of English. – Cambridge University Press, 2000. – P. 91.; Hoffer В. L. Language borrowing and the indices of adaptability and receptivity //Intercultural communication studies. – 2005. – Т. 14. – №. 2. – С. 53.; Sesarsdóttir, А. R. Doublets. A Study of Old Norse Influence on English Vocabulary (Doctoral dissertation) 2015.; BUŞILĂ А. et al. Semantic aspects of English legal doublets used in notary documents //ANADISS. – 2018. – Т. 1. – №. 25. – P. 151-161.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институти таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг “Лингвистик назария ва хорижий тилларни ўқитиш амалиёти” деб номланган тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг структур-семантик, функционал ва лингвокультурологик жиҳатларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларини очиб беришдан иборат бўлиб, у жумладан, лексик дублетларнинг систем-структур, тарихий-этимологик таҳлилларини амалга ошириш ва уларни нутқий истеъмолда қўллаш бўйича тегишли тавсиялар бериш каби масалаларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда лексик дублетлар муаммосининг инглиз ва ўзбек тиллари материалида ўрганилиш тарихи таҳлили, ҳамда уларни тартибга солиш юзасидан хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

лексик дублетларнинг пайдо бўлишида манба бўлган тиллар луғат таркибида содир бўлган жараёнларнинг кечишини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларида лексик дублетларнинг этимологик, структур-семантик, функционал ва лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда уларни акс эттирувчи birlikлар лингвистик birlikлар эканлигини аниқлаш ва лексик дублетларнинг моҳиятини ёритиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларни анъанавий методлар ёрдамида таҳлил қилиб, дублетларнинг ўзлаштирилиш соҳасидаги имкониятларини ўрганиш орқали ўзаро муносабатларини асослаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар қўлланилишининг семантик-функционал ва лингвокультурологик хусусиятларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объектини инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар бўлиб, адабий тилда, луғатлар ва турли материалларда ҳамда оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарида учровчи birlikлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг функционал-семантик, этимологик ва лингвокультурологик хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзунинг мазмун моҳиятини ойдинлаштиришда тарихий-қиёсий, систем-структур, тавсифий, чоғиштира, компонент таҳлил, этимологик таҳлил, контекстуал, таснифлаш ҳамда лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг шаклланиши, ривожланиши ва меъёрлашувини таъминловчи лингвистик ва нолингвистик омилларни белгиловчи лисоний мезонлар аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг қўлланишидаги фонетик, лексик-семантик фарқлари аниқланган ҳамда фактик материаллар асосида далилланган;

тадқиқот олиб борилаётган инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар семантик жиҳатдан категориялаштирилиб, қиёсий-чоғиштирув методи асосида таҳлил қилинган, ўзаро муносабатлари асосланган;

анъанавий лингвистик методлар ёрдамида инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар таҳлил қилиниб, ўрганилаётган тилларнинг дублетларни ўзлаштириш борасида илмий жиҳатдан қатъий фикрлар айтилган, ясашиш асослари аффиксация, композиция ва семантик усулларида иборат эканлиги далилланган.

қиёсланаётган тиллардаги лексик дублетлар семантик-функционал ва лингвокультурологик жиҳатдан ўрганилган ва уларнинг тил меъёрларига муносабати бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертация натижаларидан филология – хорижий тиллар, ўзбек тили таълим йўналишларида лексик дублетлар ва уларнинг келиб чиқиши, ўзга тиллардан ўзлаштирилиши ҳамда ясашиши бўйича кенгроқ билим олиш имконини яратишда лексик дублетлар тизимларини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган. “Қиёсий тилшунослик”, “Инглиз тили лексикологияси”, “Инглиз тили тарихи”, “Қиёсий типология”, “Инглиз тили стилистикаси”, “Таржима назарияси ва амалиёти” фанларига оид мавзуларни чуқур ўзлаштиришда, магистратура мутахассислигида “Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фани бўйича ўқув адабиётлар яратишда ҳамда “Лингвокультурология”, “Когнитив лингвистика”, “Сўзнинг семантик структураси” каби махсус курсларни ўқитишда, улардан маъруза матнлари яратишда ҳамда инглиз тили амалий курслари бўйича олиб бориладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар таркибини аниқлашга, тил меъёрларига доир илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди. Инглиз ва ўзбек тиллари луғат таркиби ва тил функционал стилистикасининг дублетларга муносабатини таҳлил қилиш жараёнида этимологик таҳлилнинг илмийлигини таъминловчи тавсиялар яратилди ва булар инглиз тили лексикологияси, инглиз тили тарихи, қиёсий типология, инглиз тили стилистикаси, таржима назарияси ва амалиёти каби фанларнинг ўқув дастурига сингдирилди. Талабаларнинг филологик билимларини ошириш, лексик дублетларнинг маъноларини теран англашига хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг систем-структур, таснифлаш, тавсифлаш каби усуллар билан асослангани, ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чиқарилган назарий

хулосалар ҳозирги кунда инглиз ва ўзбек тилларида долзарб бўлиб турган лексик дублетлар масалаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган бирликларнинг тил лексикаси системасидаги ўрнини кўрсатиб бериш юзасидан мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Шунингдек, турли тизимга кирувчи инглиз ва ўзбек тилларида лексик дублетларнинг тил нормасига муносабати ва уларнинг турли функционал услубларда қўлланиш имкониятлари аниқланганлиги ҳамда мавжуд вариантлар гуруҳидан энг тўғри элементни танлаб олиш талабларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Эришилган натижалар қиёсий тилшунослик, лексикология, лингвокультурология соҳасидаги тадқиқотларни бойитишга хизмат қилади. Диссертацияда келтирилган назарий хулосалардан маълум тиллардаги лексик дублетларнинг лингвокультурологик ва семантик хусусиятларини ёритишда манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари филология йўналишида таҳсил олаётган талаба, тадқиқотчи, таржимонлар ҳамда тилшунослик билан шуғулланувчи мутахассислар амалий ва илмий изланишларида фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетлар таркибини аниқлаш, инглиз ва ўзбек тиллари луғат таркиби ва тил функционал стилистикасининг дублетларга муносабати тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Лексик дублетларнинг этимологияси, шаклланишига таъсир этувчи омилларни ақс эттириш мақсадида ОТ-Ф8-062 “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида тилшуносликдаги лексик дублетларнинг шаклланиши, ривожланиши ва меъёрлашувини таъминловчи лингвистик ва нолингвистик омиллар аниқланиб, лисоний мезонлар билан далилланди ва лойиҳа материалларини шакллантиришда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси).

Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнида ишлаб чиқилган илмий натижалар ва амалий тавсиялар ҳамда таклифлар И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси). Натижада, инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик бирликлар функционал ҳамда лингвокультурологик жиҳатдан гуруҳланди ва уларнинг тил меъёрларига муносабати бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва мазкур тавсиялардан филология ҳамда хорижий тил таълим йўналишлари учун виртуал ресурслар яратиш амалиётини осонлаштирган;

2018-2020 йилларда амалга оширилган ОТ-Атех-2018-519 “Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб иловасини дастурий таъминотини яратиш” номли амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида

ахборот-технологиялари дастурлари ва интернет иловаларини яратишда инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг лингвистик табиатини аниқлаш, фонетик, лексик ва луғат таркибидаги функционал ролини аниқлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси).

Диссертациянинг илмий-назарий ва амалий таҳлиллар ва материалларидан Урганч давлат университетида амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури 561574-EPP-1-2015-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP-ECCUM: “Establishment of Computing Centers and Curriculum Development in Mathematical Engineering Master programme” номли грант лойиҳаси доирасида инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик хусусиятларини ифодалашдаги роли ва таржима жараёнида адекват таржимани амалга ошириш, тилшунослик атамаларини тўғри ифодалаш воситаларни инobatга олиш зарурати, таҳлил ва таржима йўллари билан боғлиқ натижаларидан лойиҳа доирасида профессор-ўқитувчилар учун яратилган ва тадбиқ қилинган “Инглиз тили” курсини яратишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси).

Наманган давлат университетида 2016-2018 йилларда амалга оширилган Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” мавзусидаги инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида тадқиқот жараёнида эришилган натижалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар институтнинг ўқув жараёни ва халқаро лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси). Натижада инновацион тадқиқот лойиҳаси асосида ўқитувчи ва талабаларнинг тилшунослик, лингвистик таржимашунослик борасидаги билимларини ошириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш ва халқаролаштириш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувлар сифатида мазкур тадқиқот ишидаги таҳлил натижаларидан фойдаланилган.

Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий ва амалий таҳлиллар ҳамда материалларидан инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг тил тизимидаги ўрни, аҳамияти ва семантик структураси, тилшунослик атамаларини тўғри ифодалаш воситаларни инobatга олиш зарурати натижаларидан 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) таълим йўналиши учун мўлжалланган “Theoretical English Grammar (Инглиз тили назарий грамматикаси)” номли дарсликни яратишда ва ўқув жараёнига татбиқ қилишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2654-сон маълумотномаси).

Илмий тадқиқотда ишлаб чиқилган материаллар ва илмий-назарий хулосалар Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси ҳамкорлигида тайёрланган ҳамда Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2020 йил 8 апрел санасидан 20 майга қадар

эфирга узатилган “Инглиз тилидан онлайн дарс” кўрсатувларини тайёрлашда жорий этилди. (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 14 июлдаги 0901/226-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинлар бугунги кунда хорижий тилларни ўрганиш, инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ифодалаш, таржима жараёнида адекватликни амалга ошириш, тилшунослик атамаларини тўғри ифодалаш ҳамда қиёсий тилшунослик ва таржимашуносликнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалашни тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўлишди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан, 4 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган илмий ва бадий адабиётлар рўйхати ҳамда ишда фойдаланилган моделлар (жадваллар)дан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби **“Ҳозирги замон тилшунослигида лексик дублетларни тадқиқ қилишнинг тамойил ва муаммолари”** деб номланган. Лексик дублетлар масаласи умумий тилшунослик, германистика, романистика, русистика ва туркологияда маълум даражада тадқиқ қилинган. Ўзбек тилидаги лексик дублетлар масаласи А.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиёв, Н.Қўнғуров, Э.Бегматов, Х.Негматов, Р.Жуманиёзов, М.Миртожиев, И.Қўчқортосев ва бошқаларининг асарларида у ёки бу даражадаги тафсилотларига аниқлик киритиши масалалари ёритилган.

Лексик дублетлар ва уларнинг энг кўп тарқалган тури бўлган этимологик дублетлар масаласи инглиз тилшунослигида XIX асрнинг ўрталарида кун тартибига чиқди. Жумладан, тилшунослардан О.Ф.Емерсон; П.Барбье; А.Бау; Д.Билбер; А.Дж, Блосс; Дж, Л.Брук; А.Кунин ва бошқалар инглиз тилидаги лексик дублетларни тадқиқ қилиш ишига қўл урганлар.

Лексик дублетлар деб, бир тилда икки ёки ундан ортиқ умумий келиб чиқиш тарихига эга бўлган, айрим пайтларда қайта ўзлаштириш натижасида тил луғат бойлиги таркибига кирган, семантик жиҳатдан бир хил (тенг) ёки турли даврларда маъно жиҳатидан фарқланишларга учраган ва талаффузи бир-бирига яқин бўлган сўз жуфтликларига айтилади.

Азим Ҳожиёв “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да дублетлар француз тилидаги “*Doublet < double*” – иккилик сўздан олинган бўлиб, бир хил (тенг) семантик таркибга эга бўлган тил бирликлари эканлигини таъкидлайди. Мас., тилчи – тилшунос, адаб – одоб, арзийдиган – арзирли ва б.⁶

О.С.Ахманова ўзининг “Словарь лингвистических терминов” номли луғатида дублетга қуйидаги таърифни беради: дублет — маъноси ва талаффузи бир-бирига яқин бўлган, умумий ўзакдан келиб чиққан ва турли пайтда ўзлаштирилганлиги учун фонетик ва имлода ўзгаришларни бошдан кечирадиган жуфтликлардир. Шунинг учун айримлар бу сўзларни этимологик дублетлар деб атайдилар⁷.

Ш.Рахматуллаевнинг фикрича: “Агар икки лексема (лексосемема) ҳар жиҳатдан тенг бўлса, ўзаро фарқловчи белгига эга бўлмаса, лексик дублетлар дейилади”⁸. Олим бу ҳодисани абсолют синонимия деб номлаш ҳам мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади.

Лексик дублетларнинг пайдо бўлиши турли сабаблар билан боғлиқ. Бир сўзнинг ўзи бир вақтда турли манбалардан ўзлаштирилиши мумкин. Масалан, лотин тилидаги “*canalis*” сўзи инглиз тилига Марказий Франция диалекти орқали “*channel*” шаклида кириб келган. Худди шу сўз шимолий диалект орқали “*canal*” шаклида ўзлаштирилган. Бу сўз шаклидаги фарқланиш маънода ҳам фарқланишга олиб келди. Лотин тилидаги *quies, quietus* (тинчлик, дам олиш) инглиз тилига тўғридан-тўғри кириб келганда *quiet* шаклида ўзлаштирилган. Шу сўз француз тили орқали ўзлаштирилганда *quite* тарзида кириб келган. Худди шу каби лотин тилидаги *corpus* (тана) сўзи инглиз тилига турли даврларда ўзлаштирилганда турли шакл ва маъноларга эга бўлган. Масалан, *corps* (корпус) ва *corpse* (мурда).

Лексик дублетлар пайдо бўлиши жараёнида иштирокчи тилларнинг мақоми уч хил бўлади: **манба тил** (донор тил); **воситачи тил** (медиум тил); **қабул қилувчи тил** (рецепиент тил).

Лексик дублетлар, одатда, сўзда содир бўладиган фонетик ва семантик ўзгаришлар натижасида пайдо бўлади. Сўзнинг шакли ва маъносида кузатилаётган бу ўзгаришлар натижасида биз бу ерда лексик ва семантик вариантлар ёки омоним сўзларда кузатиладиган ҳолатларни кўрамиз. Лекин бошқа ҳолатлардан буларнинг фарқи шундаки, лексик дублетларда бирламчи этимонни ва унда содир бўлган фонетик, семантик изларни биз тиклаш имкониятига эгамиз, чунки кейинчалик ривожланган бир неча маънодан

⁶ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2002 – Б. 37.

⁷ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –М.: Советская энциклопедия, 1969. - С. 144.

⁸ Рахматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2006. - Б. 81.

айримлари ўқ-маъно сифатида асосий маънони барибир сақлаган бўлади. Лексик дублетларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари билан жаҳоннинг турли тиллари мисолида жуда кўп олимлар шуғулланган бўлса-да, ҳалигача кўплаб муаммолар ечилмай қолмоқда.

Лексик дублетларни тадқиқ қилишнинг биринчи босқичи сифатида сўз ўзлаштириш учун манба бўлиб хизмат қилган базавий тил ва маданиятни, ижтимоий-иқтисодий муҳитни аниқлаш керак бўлади.

Француз сўзлари инглиз тили луғат таркибига секин-аста кириб келган. Дастлабки ўзгаришлар норман истилоларигача амалга оширилиб бўлган бўлса, сўз ўзлаштиришнинг катта қисми айнан XIV асрга тўғри келади. Шу муносабат билан айтиб ўтиш жоизки, айнан XI-XII асрларда бевосита шимолий норман шевагининг таъсири кучайган давр эди. XIII асрдан эса француз тили Англияда ўз ўрнига эга бўлиб, асосан марказий Париж шева таъсир кўрсата бошлаган пайтга тўғри келган эди. Худди мана шу шева адабий роман ва герман тилларидан келиб чиққан дублетларнинг ҳосил бўлишига сабаб туғдирган, аммо уларнинг манбалари ҳар сафар ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан:

friar < *midE. frere* *OFr. frère* < *Lat. frater/brother/* ака.

Этимологик дублетларнинг яна бир манбаси бу герман тилларига мансуб сўзларни роман тиллари орқали ўзлаштириб олишдир. Гап шундаки, Галлияни герман тилларида сўзлашувчи франклар босиб олган пайтларда француз тили кўплаб герман сўзларини ўзлаштириб олган. Бу сўзлар француз тили луғат таркибида анча сезиларли қатламни ташкил этган. Англияни нормандлар истило қилгандан сўнг бу сўзлардан айримлари инглиз тилига француз сўзи сифатида кириб келди. Оқибатда, этимологик дублетлар ясалди. Масалан:

NE *ward* қоровул, кўриқчи, < *OFr. (пикард) guard*. Ҳозирги французча *guard*.

Париж диалекти ўзи билмаган ҳолда иккита турли адабий тилнинг шаклланишига таъсир кўрсатган диалект сифатида қараладиган ягона бир диалект эканлиги маълум бўлади. Биринчиси, бу француз адабий тили ва иккинчиси инглиз адабий тили. Мана шу иккала тилнинг шаклланишида XII-XV асрларда Париж диалекти катта роль ўйнади ва герман ва роман тилининг шаклланишига сабаб бўлди. Француз тилининг XIII-XV асрлардаги мана шу фаоллиги натижасида инглиз тили ўзининг айрим “германлик” хусусиятларини йўқотди, романлик белгиларини қабул қилди ва натижада ўзининг биродарлари - герман тиллари бўлмиш гуруҳдошлари – немис, голланд, фриз, иврит ва қўшни гуруҳдаги швед, норвег, дан, исланд ва фарер тилларидан ўзгача бўлиб қолди, улардан узоқлашиб кетди. Бу даврда инглиз тилига қабул қилинган француз сўзлари скандинав тилларидан фарқли ўлароқ, “аристократик” характерга эга сўзлар бўлиб, норман аристократлари яшаш тарзи, маиший ҳаёти, қизиқишлари, дунёсини ифода қилувчи сўзлар эди.

Этимологик дублетлар атамаси билан тилшуносликда бир ўзақдан келиб чиққан, аммо турли шакл ва маънога эга бўлган сўзлар тушунилади, буни

мисоллар ёрдамида тушунтиришга уриниб кўрамиз. Лотин тилидаги *discus* (доира) сўзи инглиз тилига бир неча марта ўзлаштирилди. Биринчи марта бу сўз қадимги инглиз тили даврида “disc” шаклида кириб келди ва кейинроқ ўз шаклини ўзгартириб “dish” (идиш маъносида) шаклини олди.

Ўрта давр инглиз тили томонидан бу сўз “desc” шаклида ўрта аср лотин тилидан ўзлаштирилди (яъни *discus-desc*). Ўрта давр инглиз тилида бу сўз *deske – desk* шаклида ишлатилди ва унинг маъноси “конторка” (столнинг бир тури). Сўз ҳозирги инглиз тилида “*desk*” шаклида ва “стол” маъносида ҳам ишлатилади.

Худди ўша даврда (ўрта давр инглиз тилида) француз тилидан “*dais*” помост, хоналарда махсус ваъзлар айтиш мақсадида ясалган “минбар” маъносида пайдо бўлди (французчаси *deis*). Бу сўз ҳам, ўз навбатида, лотин тилидаги “*discus*” сўздан ривожланган бўлиб, асрлар ўтиши мобайнида француз тилида ўз фонетик структураси ва маъносини ўзгартирган эди⁹.

Нихоят XVII асрда классик лотин тилидан “*discus*” сўзи инглиз тилига “disc” шакли ва “диск” маъносида яна бир марта ўзлаштирилди. Энди бу ўзлашма ҳозирги кунгача талаффузи ва маъносини ўзгартирмаган шаклда сақланиб келмоқда. Масалан, *floppy-disc*, *CD-disc*, *DVD disc*, *disc-jockey* кабилар.

Шундай қилиб, бир лотин сўзи инглиз тилидаги учта сўз учун манба бўлиб хизмат қилди. Бу учта сўз турли вақт ва турли йўллар билан инглиз тилига кириб келган. Буларни этимологик дублетларга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу сўзларнинг турли манбадан келиб чиққанлигини этимологик таҳлил ёрдамидагина аниқлаш мумкин, холос.

Инглиз тилининг ўзидаги сўздан ривожланган этимологик дублетга мисол қилиб “*mead*” ва “*medow*” (ўтлоқ, яйлов) сўзларини келтиришимиз мумкин. Улар орасидаги фарқ шуки, “*mead*” сўзи поэтик жанр, шеъриятнинг жанр ва бадий услубларида ишлатилса, “*medow*” сўзи худди шу маънода нейтраль услубда қўлланилади¹⁰.

Инглиз тилида этимологик дублетларнинг асосий манбаси бўлиб сўз ўзлашмалар хизмат қилади.

1) Инглиз – скандинав дублетлари. Бу гуруҳга мансуб дублетларнинг бир элементи инглиз тилидан ва бошқаси эса скандинав тилларидан келиб чиққан. Бу дублетлар пайдо бўлишининг асосий сабаби уларнинг бир тил гуруҳига мансублиги билан изоҳланади. Бир гуруҳга мансуб бўлганлиги учун уларда кўп ҳолларда бир хил ёки ўхшаш фонетик жараёнлар кузатилади ва улар сўзларга турли хил шакллар бериши мумкин бўлади. Скандинав тилларидаги бу сўзлар инглиз тилига кириб келгач, улар инглиз тили қонуниятларига мослашди ва дублетлар ҳосил қилди. Инглиз-скандинав этимологик дублетларининг кўпчилиги таркибида “sk” ундош кластерига эга бўлган сўзларни кўриш мумкин. Бунда “sk” элементли сўзлар скандинав тилларидан

⁹ Skeat W.W. An Etymological Dictionary of the English Language. – NY: First Perigee Printing, 1980. – P. 127.

¹⁰ Бутаев Ш., Ирискулов А. Инглизча-ўзбекча Ҳзбекча-инглизча луғат. –Т.: Фан, 2009. – Б. 343.

кирган сўзлар бўлса, “sh” элементли сўзлар инглиз тилининг ўз таркибидаги сўзлар бўлади¹¹.

Масалан: skirt (юбка) – shirt (кўйлак), screech (кулоқни қар қилгудек қичқирмоқ) – shriek (бақирмоқ); scar (чандиқ) – share (улуш); screw (винт) – shrew (лўлисифат, чакаги ўчмайдиган хотин); scabby (тиррақи, қараб бўлмайдиган ифлос) – shabby (охори тўкилган, увадага айланай деб қолган).

2) Инглиз тилига француз тилидан кириб келган дублетлар. Француз тилидан кириб келган дублетлар пайдо бўлишининг сабаби шимолий ва марказий шева гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Инглиз тилига ҳар иккала шева гуруҳларидан сўз ўзлаштирилганлиги сабабли бир қатор дублетлар пайдо бўлган.

Француз тилидан ўзлаштирилган дублетларнинг яна бир гуруҳи – бу турли даврда сўз ўзлаштириш натижасида пайдо бўлади. Биринчи қатлам ўрта асрларда кириб келган сўзлар бўлса, иккинчи қатлам эса XVIII асрларда қабул қилинган сўзлардан иборат. Қуйидаги дублетларга эътибор қаратамиз: annoу (ғашини келтирмоқ) – ennuи (зерикмоқ, соғинмоқ); corpse (мурда) – corps (корпус);

Инглиз тилининг тарихий тараққиёти даврида бир маънони билдирувчи икки сўздан иборат лексик дублетлар пайдо бўлганки, унда от инглиз тилида ва мос келувчи сифат эса лотин тилидан кириб келган сўз ёрдамида берилади. Масалан: mouth (оғиз) – oral (оғзақи, оғизга алоқадор); nose (бурун) – nasal (бурунга алоқадор).

Шундай қилиб, лексик дублетлар деб, бир тилда икки ёки ундан ортиқ умумий келиб чиқиш тарихига эга бўлган, айрим пайтларда қайта ўзлаштириш натижасида тил луғат бойлиги таркибига кирган, семантик жиҳатдан бир хил (тенг) ёки турли даврларда маъно жиҳатидан фарқланишларга учраган ва талаффузи бир-бирига яқин бўлган сўз жуфтликларига айтилади.

Иккинчи боб **“Инглиз тилидаги лексик дублетларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик тадқиқи”** деб номланади. Инглиз тилидаги лотин-герман лексик дублетлари семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ҳайвон номларини билдирувчи лексик дублетлар;
2. Инсон ва ҳайвон физиологиясига оид тушунчаларни ифодаловчи лексик дублетлар;
3. Астрономияга оид тушунчаларни ифодаловчи лексик дублетлар;
4. Ижтимоий ролларни ифодаловчи лексик дублетлар;
5. Юқоридаги гуруҳларга кирмайдиган бошқа маъноларни билдирувчи лексик дублетлар гуруҳи.

Лексик дублетларнинг биринчи ва иккинчи семантик гуруҳларидаги мисоллардан кўриниб турибдики (1-расмга қаранг), бу жуфтликларнинг барчасида биринчи элемент от бўлиб, у инглиз тилининг туб сўзи, иккинчи элемент эса, лотин тилидан ўзлаштирилган сифат бўлиб, у жуфтликларнинг

¹¹ Ильиш Б.А. История английского языка. – М.: Высшая школа, 1968. – С. 203.

биринчи элементи маъносига бевосита боғлиқ. Бу қонуният кейинги семантик гуруҳларга мансуб дублетларда ҳам тўлалигича кузатилади.



1-расм. Латин-герман тилларидан ўзлашган лексик дублетларнинг семантик гуруҳлари

Агар биринчи гуруҳ иккинчи гуруҳдан лексик дублетлар биринчи элементларининг деривацион имкониятининг пастлиги билан ажралиб турса, астрономияга оид тушунчалар гуруҳида ҳам отнинг сифатга айланишини кузатамиз. Бироқ бу аффиксация ёрдамида амалга оширилади. Масалан, *earth* (от) > *earthen* (сифат); *sun* (қуёш) > *sunny* (қуёшли); *moon* (ой) > *moonlight* (ой нури); *star* (юлдуз) > *starry* (юлдузли).

Юқоридаги семантик гуруҳларга кирмаган, аниқ бир йўналишдаги тушунчаларни ифодаламайдиган лексик дублетлар гуруҳида ҳам юқорида айтиб ўтилган барча белгилар кузатилади, яъни: 1) туб герман отлари (инглиз сўзлари) аниқ ва тор маънони билдирса, латин сўзи кенг ва ноаниқ маънони билдиради; 2) уларнинг деривацион имконияти кучлироқ; 3) айрим ўринларда улар абсолют синоним вазифасини бажара олади. Масалан, *bookish* ва *literary* сўзлари абсолют синонимлардир; 4) туб инглиз сўзлари деярли барча функционал услубларда қўлланилса, бошқа тиллардан кириб келган лексик дублетлар аксарият ҳолларда бадиий ёки илмий услубларда ишлатилиши билан характерланади.

Ant отига лексик дублет бўлиб хизмат қиладиган сифат шакли “*formicid*” латин тилидаги “*formicia*” – “чумоли” сўзидан ясалган. Бу сўздан ясалган сифат “*formic*” бўлиб, “*formic acid*” эса “чумоли кислотаси” маъносини беради.

Bee n. [AS. *bēo*] – honey – producing insect (*Apis mellifera*). Шунинг учун латин тилидаги *Apis* сўзидан сифат ривожланган (*apian*)¹².

Bird n. [Middle English]-brid, bred, bird, young bird, from AS – bridd. 1. Эскирган маъноси – ҳар қандай жонзотнинг ёши, 2. Any member of a clan

¹² Webster's Encyclopedic Dictionary of the English Language. 1957, P. 94.

(Aves) of warm-blooded vertebrates...¹³. Лотин тилидаги “Aves” сўзидан бошқа кариндош ҳосила сўзлар, шу жумладан, сифат ҳам ясалган – avian.

Carp n. [OF carpe from Provencal from Middle Latin carpa] A cyprinoid, Physostomores. fish (Cyprinous carpio). The type of a family (cyprinidae) etc. Бу ерда ҳам балиқ номи ўрта лотин тилидан провансал тили орқали қадимги француз тилидан кириб келган бўлиб, сагра шаклида бўлган¹⁴.

Бундан келиб чиқадики, от шакли қадимги бошқа тиллар орқали қабул қилинган бўлса, сифат шакли балиқ тури номи сифатида бевосита лотин тилининг ўзидан қабул қилинган. Шу орқали лексик дублет пайдо бўлган.

Турли таъсирлар натижасида кўплаб эндемик (фақат кельт ва қадимги инглиз тилига мансуб бўлган) сўз ва иборалар маъно ўзгаришига учради ёки истеъмолдан чиқиб кетди.

Масалан, скандинав тилларидан кириб келган *they* ва *them* кишилиқ олмошлари жуда қисқа вақт ичида мос келувчи қадимги инглиз олмошларини сиқиб чиқарди. Скандинав тилларидан кириб келган *sky* ва *anger* сўзларининг кўплаб қўлланилиши уларнинг синонимлари бўлмиш қадимги асл инглиз сўзлари – *heaven* ва *wrath*ларнинг маъно кўламини кескин торайтиради ва уларни луғат таркибидан сиқиб чиқаришига бир баҳя қолган.

Тилга сўзлар қабул қилиш жараёни қанчалик кенг қамровли бўлса, унинг натижасида шунча кўп этимологик дублетлар пайдо бўлади. Тарихдан маълумки, ижтимоий-сиёсий ва лингвокултурологик муносабатлар натижасида лотин-француз ва скандинав сўзлари ҳозирги инглиз тили луғат таркиби асосий қисмининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Скандинав тилларидан кириб келган сўзлар кундалиқ ҳаётда кўп ишлатиладиган, маиший ҳаётда кўп учрайдиган предметлар, воқеа-ҳодисаларни билдирадиган сўзлар бўлганлиги учун улар жуда кўп ишлатилар эди. Янги кириб келганлари эса эскиларига синоним бўлар, талаффузи ёки маъносида ўзгаришлар юз берар ёки бўлмаса уларда услубий фарқлар кузатиларди.

“Аралаштирмак” маъносини билдириш учун швед тилида “blend” сўзи ишлатилади. Инглиз тилида ҳам “blend” сўзи “аралаштирмак” маъносида ишлатилишидан ташқари, “бирирмак”, “мос келмак” маъноларини ҳам билдиради.

Birth сўзи – дания тилида “туғилиш” маъносини беради. Инглиз тилида ҳам “туғилиш” маъносидан ташқари “бошланиш” маъносида ҳам ишлатилади. Бундан ташқари, *birth* – “манба”, “булоқ”.

Юқоридаги мисолларни таҳлил қилиб, хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, айрим пайтларда скандинав тилларидан кириб келган сўз (лексема) инглиз тилида у ёки бу сабабларга кўра ўрнашиб қола олмади, аммо у сўзнинг эндигина шаклланиб келаётган инглиз тилининг луғат бойлигига кўрсатган таъсири изсиз кетмади, чунки ўша сўз таъсирида аввалдан мавжуд бўлган сўзнинг функционал юкламаси ёки маъно кўлами мос равишда

¹³ Ўша асар Р. 105.

¹⁴ Ўша асар Р. 155.


ўзгаришига олиб келган ҳолатларини кўришимиз мумкин бўлади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Лексик дублетларнинг инглиз ва скандинав тилларидаги семантик-функционал дифференциацияси

Инглиз тилида	Таржимаси	Скандинав тилларида
low	паст	қуйи
loose	эркин, бўш, кенг	(los) эркин
lost	йўқотилган	тоқ
odd	тоқ	хато
ill	касал	касал
seemly	мос келувчи	мос келган
take	олмоқ	олмоқ
will	истак, васият	хоҳиш
scare	кўрқитмоқ	кўрқитмоқ

Диссертациянинг иккинчи бобида инглиз тилига лотин тилидан француз тили орқали ўзлашган 47 та, лотин тилидан 422 та, француз тилидан 71 та, герман тилларидан француз тили орқали ўзлашган 2 та, англо-саксон тилларидан 3 та, скандинав тилларидан 74 та, инглизча 9 та, герман тилларидан 634 та, роман тилларидан 28 та, роман-герман тилларидан 8 та, немис тилидан 2 та, шотланд, грек, япон ва ҳинд тилларидан 1 тадан ўзлашган жами 1304 та дублетлар таҳлил қилинган (2-расмга қаранг).



2-расм. Диссертация доирасида ўрганилган инглизча лексик дублетлар

Ишнинг сўнги, учинчи боби “Ўзбек тилидаги лексик дублетларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик тадқиқи” деб аталган бўлиб, у тўрт қисмдан иборат. Дунё тиллари орасида биронта ҳам тил йўқки,

унда озми-кўпми ўзлашган сўз учрамасин ёки “маълум даражада аралашган бўлмасин”¹⁵.

Дунё тилларининг умумий сони ҳам оз эмас, ҳозирги даврда 7000 дан ортиқ тил ва лаҳжа борлиги қайд этилади.¹⁶ Бу тилларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, тақдири, жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи бор. Бундан ташқари, улар ўзаро лингвокультурологик ҳамда маданий муносабатда бўлиш, ҳамкорлик, бир-биридан сўз қабул қилиш ва ўзлаштириш каби характерловчи белги ҳамда хусусиятларга эга. Бошқа тиллардан кириб келаётган янгиликлар, моддий ва маънавий ҳаётга кириб келган нарса-буюм номлари, одатда, ўзгартирилмай, аслиятдаги каби ўзлаштирилади. Унга маҳаллий тилда изоҳ берилиб ўтирилмай, ўша янги нарса, ҳодиса ёки янги тушунча ўз ҳолича қабул қилинади. Масалан, *бифитекс, дизель, свитер, трамвай, футбол, контейнер, компьютер* ва бошқалар.

Сўз ўзлаштирилаётган тилда ўзлашаётган сўзнинг синоними (эквиваленти) бўлиши ва унинг параллел қўлланилиш ҳолати ҳам объектив жараёндр. Масалан, бухгалтер-ҳисобчи, лайнер-самолёт, снайпер-мерган, гандбол-қўл тўпи ва бошқалар. Аммо бу ўзлашмалар бир хил денотатни англатади, деган гап эмас. Улар ўзларининг жузъий маъно бўёқлари, қўлланилиш ўрни ва мақсадлари билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ўзлашаётган сўзлар маъноларининг қабул қилувчи тилдаги семантик ўзгаришлари, яъни уларнинг маъноларидаги конкретлашув ёки умумийлашув, маънодаги торайиш ёки кенгайиш, салбий ёки ижобий маъно олиш, полисемик сўзнинг моносемик ёки аксинча, моносемик сўзнинг полисемик бўлиб ўтиши, нутқ ранг-баранглигини ошириш учун қўлланилиши каби бир қатор томонлари борки, булар ҳам сўз ўзлашувининг объектив сабаблари ҳисобланади.

Маълумки, чет тилидан кириб келган ҳар бир янги сўз табиий равишда ўша тилнинг фонетик, орфографик, грамматик “элаги”дан ўтади. Бунда сўз ўзлашмаларга ажратишнинг қийин эканлиги илмий адабиётларда қайта-қайта таъкидланиб келинмоқда. Бу масала билан биринчилар қатори шуғулланган немис тилшунослари ўзлашган сўзларни “аниқ қилиб чет сўз ёки ўзлашма эканлигини фарқлаб бериш баъзи бир сабабларга кўра қийин эканлиги”, “Чет сўзлар масаласи чўғ темир эканлиги, кимки унга қўл урмоқчи бўлса, осонгина куйдириб олиши” мумкинлигини уқдиришган эди. Таъкидланган қийинчиликларга, “огоҳлантиришларга” қарамай, тилшуносликда ўзлашган сўзлар таснифи бўйича катта ишлар қилинди, илмий фикр-мулоҳазалар билдирилди.¹⁷

Ўзбек тилида инглиз, француз, лотин, юнон тилларидан лексик дублетларнинг кириб келишида рус тили воситачи тил бўлган бўлса, араб ва форс сўзларининг ўзбек тилига сингишида деярли воситачи тилнинг хизмати керак бўлмаган. Араб ва форс тилида сўзлашувчи халқларни туркийзабон

¹⁵ Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 2012. - Б. 42.

¹⁶ <https://www.ethnologue.com>

¹⁷ Ўзбек тили лексикологияси. –Т.: Фан, 1981. - Б. 224.

халқлари билан бевосита мулоқотлари дублетларнинг кўплаб микдорда пайдо бўлишига сабаб бўлган (2-жадвалга қаранг).

2- жадвал.

Ўзбек тилида лексик дублетларнинг ўзлаштирилиши

Ўзбек - форс-тожик	Ўзбекча- арабча	Юнонча – арабча	Арабча – тожикча	Арабча – арабча
<input type="checkbox"/> оз – кам;	<input type="checkbox"/> айирма – фарқ, тафовут;	<input type="checkbox"/> анализ – таҳлил	<input type="checkbox"/> мактуб – нома	<input type="checkbox"/> расм – одат
<input type="checkbox"/> барча – ҳамма;	<input type="checkbox"/> бўлак – қисм;			
<input type="checkbox"/> тоза – пок;	<input type="checkbox"/> киши – инсон, одам;			
<input type="checkbox"/> ёлғон – сохта;	<input type="checkbox"/> уюшма – иттифоқ			
<input type="checkbox"/> йилнома – солнома				

Тарихий даврларнинг ўтиши, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви билан тилнинг структураси ҳам такомиллашади, шунингдек, тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида сўзнинг фонетик структураси, грамматик структураси ўзгаради, сўзлар қайта ишланишлари натижасида ўз маъноларини ҳам ўзгартиради. Ҳар бир тилда мавжуд бўлган сўзлар ўсимлик ёки ҳайвонларнинг ҳужайралари сингари, ўзларига хос ҳаёт кечирадилар. Уларнинг фонетикаси, орфографияси тўхтовсиз ўзгариб туради, "... адабий норма тарихий категория ҳисобланади. У тилнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб туради, унинг ички қонуниятларига бўйсунган ҳолда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиради. Шунинг учун адабий тил меъёри тилда доимо юз бериб турадиган ўзгаришларни акс эттирувчи кўринишларни инкор этмайди"¹⁸.

Сўзнинг маънолари шаклан, моддий жиҳатдан эмас, балки жамоатчилик томонидан қабул қилинган дунёқараш, мафкура, онг талаби билан белгиланган вазифаларига кўра вужудга келади. Бу ҳодисани синчиклаб кўздан кечириш сўз маъноларининг тараққиётида маълум бир қонуниятлар борлигини, бу тараққиёт, энг охири, кишилик жамияти тараққиётига, унинг моддий ва маънавий маданиятининг тараққиётига боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради. Тилимизда ўтмишда бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг семантик эволюцияси бу жиҳатдан айниқса характерлидир. Мисол учун биз асли араб ўзагига алоқадор бўлган “суфий” сўзини олсак, “суфий” сўзи “суф” (жун) сўзидан ясалган бўлиб, айнан таржимаси “жун кийим кийган” демакдир. Бу сўз аввал “дунёдан безиган”, “художўй”, “тарки дунё қилган одам” маъноларини ифодалаган, сўнгра “тасаввуф” оқимига мансуб ғояларни илгари сурувчи “суфизм” оқимига мансуб одамни англатувчи атамага айланган. Ислом дини Ўрта Осиё ва Эронга ёйилгандан сўнг бу сўз “дарвиш” сўзи билан тўқнашиб, икки сўзнинг маъносида фарқланиш ҳодисаси рўй берган.

Қадимдан ўзбек тилига кириб қолган баъзи араб сўзлари ҳозирги ўзбек тилида қарама-қарши маънода ҳам ишлатилади.

“Басир” сўзи эски араб тилида бир хил маънода – “кўрувчи”, “кўзи соғ” маъносида ишлатилади. Аммо ҳозирги ўзбек тилида эса “басир” сўзи

¹⁸ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992. - Б. 5.

бутунлай тескари маънода, аниқроғи “кўр, кўзи ожиз” маъносида ишлатилади. Масалан, Басир бўласан! (Кўр бўласан! маъносида).

Басир – асл арабча луғавий маъноси (кўрувчи, кўрадиган) кўр, сўқир¹⁹.

Шуни таъкидлаш жоизки, маъноси “кўрувчи, кўрадиган” бўлган сўз кейинчалик ўз маъносини бутунлай тескари томонга ўзгартирган кетган ва “кўр, сўқир” маъносини англамоқда.

“Зиё” сўзи “ёруғлик, шуъла” маъносида ишлатилган. Ўзбек тилида ҳам бу сўз шу маънода қўлланилади. Айрим ҳолатларда эса маънони кучайтириш мақсадида “зим” префиксини олади. Пайдо бўлган “зим-зиё” сўзи икки маънода ишлатилади: Йўқолиш, ғойиб бўлиш. Масалан, Қаёққа зим-зиё бўлиб кетдинг?²⁰

“Омонат” сўзи эски араб тилида “хавфсизлик (тор маънода), гаров” маъноларида қўлланилар эди. Ўзбек тилида бу сўзнинг маъноси кенгайди ва бировнинг омонати (омонат қолдириб кетган) ҳамда “касса” сўзи билан бирга “омонат касса” маъносини ифодалай бошлади. Бу ҳолат XX асрнинг 90-йилларигача давом этди ва бу даврга келиб, “касса” сўзи “банк” сўзига алмаштирилди ва энди “омонат кассалари” омонат банкларига айланди ва кўп ўтмай “омонат” сўзи “банк”нинг олдидан олиб ташланди. Ҳозирга келиб, ҳеч ким “омонат банки” сўзини ишлатмайди. Бу сўзнинг муомаладан чиқиши сабаби “омонат” сўзида аввал бўлмаган, янги бир маънонинг пайдо бўлганлиги билан изоҳланади. Аниқроғи, ҳозирда “омонат” сўзи “зўрға”, “сал”, “юзаки”, “қўлбола” умумийроқ қилиб айтсак, “ишониб бўлмайдиган, ишончсиз” деган маъноларида кўп ишлатилади.

Алоҳида услублар бир биридан лексик дублетлардан фойдаланиш, хусусияти билан фарқланади услубнинг лексик жиҳатдан фарқланиши ҳар бир услубга хос бўлган сўз ишлатиш хусусиятлари билан белгиланади.

Лексик дублетлар ўз маъноларидан ташқари, кўчма маънода ишлатилиш, функционал буёққа эга бўлиш омиллари, бошқача қилиб айтганда, ўзларининг турли услубга мансуб эканликлари жиҳатидан фарқланадилар. Бу нарса, айниқса, синонимия ҳодисасида очиқ кўзга ташланган.

Лексик дублетлар ҳосил қилган синонимик қаторларнинг кўп миқдорда бўлиши тарихда нутқ услубларининг кураши натижасидир. Бу синонимик қаторлар асосан ўзбек тилининг ўз бойлиги ҳисобига ҳосил қилинган, лекин баъзан араб ва форс тилларидан олинган сўзнинг улуши ҳам етарлича.

Лексик дублетларнинг тил луғат таркибида пайдо бўлиши шу тилда сўзлашувчи халқ тарихида содир бўлган кўплаб ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларнинг мантиқий натижаси сифатида лингвокультурологик хусусият намоён қилади. Халқлар орасида интенсив мулоқотлар бу халқлар фойдаланадиган тиллар ўртасида бўладиган муносабатларни тақозо этади ва бунинг натижаси турлича бўлиши мумкин. Араб тилидан турли тарихий даврларда ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг тақдири турличадир. Баъзи бирлари тил тафаккурига сингиб, тамомила ўзлашиб кетган, бошқалари эса,

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 – жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 174.

²⁰ Ризо Ш. Қор ёғди, излар босилди. –Т.: Ўздавнашр, 1929. – Б. 24

ўз навбатида, унга ўзлашиб кетмаган, тилда “омонат” сақлангандай сезилади. Бундай сўзларнинг ишлатилиш доираси борган сари торайиб, улар ўз ўринларини асли ўзбек сўзларига бўшатиб бермоқдалар. Бу жараён айниқса сўнгги 20 йил ичида, аниқроғи XXI аср бошларида кучайиб, оммавий ахборот воситалари, вақтли матбуот, фан, технологиялар, таълим тизими учун ишлаб чиқиладиган ўқув адабиётларида очикроқ кўзга ташланади.

Араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ўзлашган лексик дублетларнинг маъноларида рўй берган ўзгаришларни ҳамда улар ташийдиган лингвокультурологик вазифани аниқлаш учун лексик дублетларнинг бирламчи ва иккиламчи маънолари ўртасидаги муносабат турининг табиатига эътибор қаратдик. Ушбу муносабатлар одатда кенгайиш, торайиши, генерализация, специализация, метафоризация, метонимизация ва ҳ.к.лардан иборатлиги маълум бўлди.

Масалан, араб тилидаги “иблис” сўзи даставвал “ноумид, иблис, шайтон” маъноларида ўзбек тилига ўзлаштирилган. Аммо кейинроқ, худди шу сўзнинг “алдоқчи, хийлагар, ярамас” маънолари ҳам кириб келди ва лексик дублетни ташкил қилди. Бу ерда маъно кўламининг кенгайиши кузатилмоқда.

Форс тилидан ўзлаштирилган “оташин” сўзи бирламчи маъно “оташин, ўтли, алангали, ёлқин” маъноларида қабул қилинган эди. Кейинчалик, бу сўз юқоридаги маънолари камлик қилгандек, яна бир қатор маъноларни ўзлаштиради-ки, булар бирламчи маънолар билан биргаликда сўз лексик дублетини ҳосил қилди. Пайдо бўлган янги маънолар қуйидагилар эди: “ўтдай қизил, қизикқон, жаҳли тез, сержаҳл”. Кўриниб турибдики, бирламчи маънолар кўпроқ мавҳум маънолар бўлса, иккиламчи маънолар эса, аниқроқ, инсоннинг характерини билдирувчи сўзга айланган: “ўта қизил” (юзи); “қизикқон” (характер, темпераменти); жаҳли тез (феъли ёмон); сержаҳл (асабийроқ) ва ҳ.к. бу ерда аниқлаштириш, мослашиш кузатилмоқда.

Араб тилидаги “иттифоқан” сўзининг ўзбек тилига ўзлаштирилган бирламчи маъноси “тотув, иноқ, ҳамжиҳат” бўлса, кейинчалик иккинчи оқимда худди шу сўзнинг “тасодифан, қутилмаганда, тўсатдан” маънолари пайдо бўлди ва ривожланди. Бу сўзнинг бирламчи ва иккиламчи маънолари ўртасида ҳеч қандай умумийлик яқинлик йўқ. Бу ерда комплементар дистрибуцияни кузатишимиз мумкин.

Араб тилидаги “жасад” сўзи бирламчи маъноси “тавда, жисм, жусса” маъносида ўзбек тилига кириб келган эди. Лекин кейинроқ худди шу сўз “ўлик, мурда” маъносида яна қайтадан қабул қилинди ва лексик дублетни пайдо қилди. Масалан:

Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.²¹

Форс тилидан ўзлаштирилган “дард” сўзида эса, бу жараённинг аксини кузатишимиз мумкин. Бунда биз жисмоний азобдан руҳий, ҳиссий азобга кўчишини кўраимиз. Яъни бирламчи дард, касаллик, хасталик, оғриқ, қайғу,

²¹ Б.Қосимов ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. –Б 177.

кулфатдан”, “ишқ, севги” томон семантик силжиш кузатилади ва лексик дублет пайдо бўлади. Масалан:

Тарихнинг бизга хабар беришига қараганда Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнадир²².

Форс тилидан ўзлаштирилган “бетоб” сўзида ҳам маъно кучайиши кузатилади. Бирламчи маънода “бетоқат, беором, кучсиз, дармонсиз” бўлса, кейинроқ бу маъно кучайиб “бемор” бутунлай “хаста” ва “бемор”га айланиб қолди. Масалан:

Душманлар хароб, мунофиқлар бетоб ўлсин... Онҳазратимнинг давлатларига худо тавфиқу адолат берсин!²³

Юқоридаги мисоллардан биринчи сўзларнинг маъноси йўқолган деб ҳисобламаслик керак, чунки иккинчи маънонинг пайдо бўлиши биринчи маънонинг йўқ бўлишини тақозо этмайди, балки сўзнинг семантик жиҳатини яна бир семантик таркиб билан тўлдиради, холос. Шунинг учун бундай лингвокультурологик жараёнларда биринчи ва иккинчи гуруҳ маънолар, аниқроғи бирламчи ва иккиламчи маънолар ўртасида фарқ катта бўлса, бошқаларида бу нарса у қадар катта эмас. Худди шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкин-ки, нутқда баъзан сўзнинг бирламчи маъноси, бошқа сафар эса иккиламчи маъноси функционал жиҳатдан фаол бўлиши мумкин.

Ўзбек тилига ўзлаштирилган араб компонентли бир қатор ўзига хос лексик дублетлар борки, уларнинг иккала компоненти ҳам араб тилидан ўзлаштирилган сўзлардан иборатдир. Икки компонентнинг бири бирлик шакли билан, иккинчиси эса кўплик шакли билан ифодаланган. Масалан: вали/авлиё; лафз-силфоз; амир-умаро; руҳ-арвоҳ; сабаб-асбоб; сир-асрор; ҳолат-аҳвол; жавҳар-жавоҳир; камол-камолот; малак-малоика; шайх-машойих; маърифат-маориф; маҳсул-маҳсулот; мушкул-мушкулот; адаб-одоб; олим-уламо; фақир-фуқаро; хотир-хавотир; хаёл- хаёлот; ҳол-аҳвол; хулқ-аҳлоқ; ҳайвон-ҳайвонот; ҳақ-хуқуқ ва ҳ.к.


Ўзбек тилида компонентлар маъноси ўртасидаги фарқ бирлик-кўплик сонда эканлиги эмас, балки уларнинг маъносида ўзгаришлар содир бўлган. Масалан, “маърифат” ва “маориф” сўзлари бутунлай бошқа-бошқа сўзлар, улар бир сўзнинг икки (бирлик-кўплик) шакли эмас; фақир ва фуқаро; сабаб ва асбоб сўзлари ҳам турлича сўзлардир.

Лексик дублетлар компоненти бўлган сўзларнинг умумий маъновий йўналишларини дастлабки кузатишнинг ўзи ҳам форс ва араб маданиятини Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбеклар тили ва миллий маданиятига қанчалик катта ва кенг кўламда таъсир этганлигини кўрсатиб туради. Бу эса, тил орқали амалга ошириладиган жараён бўлиб, “тил – маданият кўзгуси” деган ҳукми тасдиқлайди.

Диссертациянинг учинчи бобида ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган 22 та, араб тилидан ўзлашган 82 та, рус тилидан ўзлашган 13 та, жами 119 та лексик дублетлар таҳлил қилинган (3-расмга қаранг).

²² А.Қодирий. Мехробдан чаён. –Тошкент Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1994. Б. 4.

²³ Ўша асар Б. 84.



3-расм. Диссертация доирасида ўрганилган ўзбекча лексик дублетлар

ХУЛОСА

1. Тилшуносликка дублет сўзи XIX аср бошларидан кириб келди. У, асосан, икки маънони ифодалайди: иккиланган ўзлаштирма; иккиланган шакл. “Иккиланган ўзлашма”га биноан, дублет – маъноси ва фонетик/график шаклига кўра ўзаро яқин ўзлаштирилган сўзлар бўлиб, улар бир сўзни турли вақтларда ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлади. Булар тилшуносликда этимологик дублетлар деб номланади. “Иккиланган шакл”га кўра, дублет – тил бирлигининг фонетик, морфологик синтактик ва стилистик жиҳатдан фарқланувчи шаклидир. Бу каби дублетлар тилшуносликда лексик дублетлар деб юритилади. Тил сатҳлари муносабатига кўра, дублетларнинг: услубий дублетлар, фонетик дублетлар, акцентуал дублетлар, морфологик дублетлар, синтактик дублетлар гуруҳларига бўлинади. Диссертацияда лексик дублет атамаси кенгроқ тушунилиб, бу атама орқали дублетларнинг барча турлари қамраб олинди ҳамда уларнинг функционал-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларининг таҳлили амалга оширилди.

2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларнинг шаклланишига лингвокультурологик омилларнинг таъсири ва ўрни кўриб чиқилди. Лексик дублетларнинг пайдо бўлиши тиллардаги сўз ўзлаштириш ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқлиги, сўзни қабул қилиб олувчи тил ва манба тилда сўзлашувчи халқлар ижтимоий-маданий жиҳатдан бир хил тараққиёт босқичида бўлса, тилларда бир-биридан сўз ўзлаштириш ҳодисаси содир бўлмаслиги, агар мулоқотда иштирок этаётган тилларнинг бири ижтимоий-маданий жиҳатдан бошқасидан устунроқ бўлса, кўпроқ тараққий этган халқ тилидан камроқ тараққий этган халқ тилига сўз кўчиши, ҳар бир ўзлаштирилган сўз ортида ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий фон мавжуд бўлиши аниқланди. Мазкур ижтимоий-маданий фон халқнинг ўсиб бораётган ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади ва натижада ўзга маданиятга тегишли нарса, ҳодисалар

ҳаёт тарзимизга кириб келади, бу жараёнда ўзлаштирилаётган нарса ва ҳодисалар ўзга тилдаги асл номлари билан олиниши оқибатида тилнинг луғат таркиби янги сўз ва тушунчалар билан бойийди.

3. Инглиз ва ўзбек тиллари турли тил оилаларига мансублиги туфайли уларнинг этимологик жиҳатдан яқинлиги йўқ. Луғат таркибининг бу каби икки қутбда жойлашуви инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларни қиёсий-чоғиштирма тилшунослик жиҳатдан тадқиқ қилишни қийинлаштиради. Инглиз тилидаги этимологик характердаги лексик дублетларнинг шаклланиш жараёнини ўрганиш натижасида қуйидаги уч гуруҳ белгиланди:

- компонентлари туб инглиз сўзларидан ташкил топган дублетлар (Beech - book);

-компонентлари туб ва ўша ўзакдан ўзлаштирилган сўздан ташкил топган лексик дублетлар (corn (ҳосил) - grain (дон));

-компонентлари ўзлаштирилган сўзлардан ташкил топган лексик дублетлар (rhyme (қофия) - rhythm (қофия - ритм)).

Лексик дублетлар компонентларининг семантикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, йиллар давомида уларнинг маъносида фарқланиш рўй берган. Компонентлар маъносидаги фарқланишнинг сабаби шундаки, дублетнинг янги аъзоси сўзловчилар томонидан дастлабки пайтларда жуда кўп ишлатилади ва тил жамоаси бу янги сўздан унинг маъносини яхши билмаганлиги учун уни турли коммуникатив вазиятларда ўзлари хоҳлаган маъноларда, айрим пайтларда коннотатив маънода ҳам ишлатаверадилар. Йиллар ўтгач, энг кўп ишлатилган у ёки бу маънолар ўзакда маҳкам ўрнашиб қолади. Сўзловчилар бу янги сўз билан ўз тилидаги семантик лакуналарни тўлдирди.

4. Лексик дублетларнинг пайдо бўлишига тил тараққиётининг маълум босқичида содир бўлган фонетик ҳодисалар ҳам сабаб бўлади. Эволюцион ўзгаришни бошдан кечираётган фонетик ҳодисаларнинг турли даврлардаги таъсири натижасида лексик дублетларда семантик-функционал ўзгаришлар юзага келади, мазкур жараёнда учинчи бир воситачи тилнинг иштироки ҳам эътиборга олиниши керак. Бу жараёнлар манба тилда ёки қабул қилувчи тилнинг ўзида сўзнинг модификация қилинишида ҳам рўй бериши мумкин.

5. Янги ижтимоий-маданий контекстда сўзнинг эски шакли ва маъносининг ўзгаришига олиб келувчи эҳтиёжни тилдан фойдаланган ҳолда қондириш мақсади юзага келади. Агар сўзловчининг эҳтиёжини ўз тили ресурсларидан фойдаланган ҳолда қондиришнинг имкони бўлмаса, яъни, янги кириб келган тушунчанинг денотати бўлмаган ҳолда, истеъмомда бўлган бошқа етакчи тилнинг ижтимоий-маданий жиҳатдан мавқеи юқорирок, ривожланган ҳолатда экани, ўша тилдан сўз ўзлаштирилишига олиб келади. Бу ҳолатни лексик дублетлар ҳосил қилинишининг лингвокультурологик омили сифатида қайд этиш мумкин.

6. Маълумки, сўзларнинг орфографик, фонетик, морфологик вариантлари сўз вариантларини ташкил этади. Шунингдек, сўзларнинг шакл муносабатига кўра турланиши омонимларни юзага келтиради. Лексик

дублетлар эса, сўз вариантлари ва омонимлар ўртасида оралик позицияни эгаллайди. Инглиз тилидаги doat-dote (“болага айланиб қолмоқ”, “ўзини болаларча тутмоқ”) бирликлар этимологик жиҳатдан яқин эмас, лекин load (юк) ва lode (тоғнинг томири), ўзбек тилидаги “базис” ва “база” кабилар этимологик дублетдир. Дублетларнинг омонимлардан фарқи – омонимлар дублетлар бўлиб шакллана олмаган, шаклланиши тугалланмаган сўзлардир. Бир тилдаги омонимик муносабатда бўлган сўзлар бошқа тилга кўчганда дублетга айланиши мумкин.

7. Инглиз ва ўзбек тилларидаги дублетлар ўзлашма қатламга мансуб сўзлардир. Инглиз тилидаги дублетлар манбаси – ҳинд-европа тиллари; ўзбек тилидаги дублетлар манбаси – араб, форс-тожик тиллари бўлиб, хронологик нисбатда олиб қаралганда, инглиз тилидаги дублетлар ўзбек тилидаги дублетлардан аввалроқ шаклланганини қайд этиш лозим, чунки инглиз тилининг лотин тили билан алоқаси V асрдан, англо-саксонлар Британия оролларига бостириб келган пайтдан бошланган бўлса, ўзбек тилининг араб тили билан ёндош қўлланилиши икки юз йил кейинроқ, арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан, форс-тожик тили билан интенсив алоқага киришиши эса, X асрдан яъни сомонийлар ҳокимиятга келиши билан бошланган. Демак, дублетларнинг шаклланиш даври ижтимоий-сиёсий ва лингвокультурологик омиллар таъсирида инглиз тилида эртароқ бошланган, энг аввал диний мазмунидаги сўзлар қабул қилинган бўлса, кейинроқ ҳарбий атамалар, титуллар ном ва лақабларга алоқадор сўзлар ўзлаштирилган. Кейинги давр ўзлашмалари эса, асосан, илмий –техник атамаларга оидлиги билан характерланади.

8. Инглиз тилидаги лексик дублетлар ва ўзбек тилидаги лексик дублетлар учун бирламчи умумий маъно сифатида хизмат қилган этимонлар турли семантик маънога эга. Ҳар икки тилда ҳам аксарият дублетлар этимони мавҳумлашган тушунчалардан пайдо бўлган. Бу ҳолат айниқса, хусусият билдирувчи сўзларда кўп кузатилади. Бу сифат ва белгилар кейинчалик титул, унвон, лақаб кабиларга айланиб боради. Дублетларнинг маълум қисми биринчи “бош, катта, муҳим, энг юқори, олийжаноб” каби умумлаштирувчи тушунчаларни билдирувчи от этимонлар асосида шаклланган. Яна бир семантик гуруҳ эса, “айлана, доирасимон, арксимон, қайрилган, жимжимадор” каби бирликларни ўз ичига олади. Худди шу этимонлар юқоридаги белгиларга эга бошқа предметларни номлашда ишлатилиши натижасида янги дублетлар пайдо бўлади. Иш қуроллари ва уй жиҳозлари номланишида жиҳоз номи маъносининг кўчиши натижасида дублетлар шаклланиши мумкин. Инглиз тилида металл, минералларни билдирувчи сўзлардан ташкил топган дублетлар ва улардан пайдо бўлган ҳосилалар (масалан, тақинчоқлар номлари) юнон ёки араб тилларидан ўзлаштирилган сўз-этимонларга бориб тақалади. Маиший ҳаётга оид нарса номлари герман тилларига, сиёсий-маъмурий; илмий-техник ва ҳарбий атамалар лотин тилига, қурилиш ва бинокорликка алоқадор сўзлар ҳамда диний тушунчаларни билдирувчи сўзлар юнон тилига мансуб бўлади. Лексик дублетлар иккиламчи

номинация ҳосиласидир. Иккиламчи номинация жараёнида тилнинг миллий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

9. Лексик дублетлар кўп ҳолларда тўлиқ синонимлар сифатида қаралиши мумкин. Лексик дублетларнинг компонентлари инглиз ва ўзбек тилларига турли даврларда ўзлаштирилган бўлиб, улар халқлар ижтимоий тараққиётида кузатилган турли кўчишларни ифода этади. Бунда дублет гуруҳининг биринчи аъзоси, одатда, энг аввал ўзлаштирилган сўз бўлиб, вақтлар ўтиши билан кейинги аъзога фонетик ва семантик жиҳатдан қарши қўйилиши мумкин, бу эса ўтган вақт оралиғида рўй берган ўзгаришлар оқибатидир. Биринчи сўз шакл ва маъно жиҳатдан кейинги сўздан узоқлашиб кетади. Бу ҳолатда манба сўз, бирламчи шакл – оғзаки сўзлашув сўзи бўлиб, аниқ бир нарсани билдиради ва кўп маънолилиқ ривожлана бошлаган бўлади. Янги сўзнинг эса аксинча, манба сўз билан яқинлиги тўла сақланади, у адабий-китобий ёки илмий-техник атамага айланиб, кўчма мавҳум маънога эга бўлади ҳамда бир маънолилиқни сақлашга ҳаракат қилади.

10. Инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик дублетларнинг фонетик, тарихий-этимологик, лексико-семантик, функционал, лингвокультурологик хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, лексик дублетлар тилнинг мулоқот воситаси сифатида кўп асрлар давомида бажарган вазифаси натижасида тил унсурларида содир бўлган семантик ўзгаришларнинг динамикаси шароитида юзага келган ўзига хос гуруҳ бўлиб, луғат тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Лексик дублетлар лексико-семантик категория ва уни тилнинг бошқа категориялари қаторида атрофлича, тизим сифатида ўрганиш инглиз ва ўзбек тиллари тараққиётининг қонуниятларини чуқурроқ тушунишга имконият яратади.

11. Диссертацияда инглиз тилига лотин тилидан француз тили орқали ўзлашган 47 та, лотин тилидан 422 та, француз тилидан 71 та, герман тилларидан француз тили орқали ўзлашган 2 та, англо-саксон тилларидан 3 та, скандинав тилларидан 74 та, инглизча 9 та, герман тилларидан 634 та, роман тилларидан 28 та, роман-герман тилларидан 8 та, немис тилидан 2 та, шотланд, грек, япон ва ҳинд тилларидан 1 тадан ўзлашган жами 1304 та лексик дублетлар таҳлил қилинган бўлса, ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган 22 та, араб тилидан ўзлашган 82 та, рус тилидан ўзлашган 13 та ва жами 119 та лексик дублет таҳлил қилинди. Мазкур диссертация доирасида ўрганилган жами лексик дублетлар сони 1424 тани ташкил қилади. Лексик дублетлар тилларнинг очиқ тизим эканлигини кўрсатади, улар тилимиз тизимидан қадим даврлардан бошлаб ўрин олганлигидан далолат бериб, лексик система сифатида намоён бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ЮСУПОВ ОТАБЕК ЯКУБОВИЧ

**ФУНКЦИОНАЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКОЕ И
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
ЛЕКСИЧЕСКИХ ДУБЛЕТОВ В АНГЛИЙСКОМ И
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2018.1.PhD/Fil439; В2020.3. PhD/Fil439 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.samdchti.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: Тухтасинов Илхомжон Мадаминович
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: Мирсанов Гайбулло Кулмурадович
доктор филологических наук (DSc), доцент

Самигова Хушнуда Ботировна
доктор филологических наук (DSc), доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков. Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел: (99866) 238-29-37; факс (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована под № __). Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел: (99866) 238-29-37.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2020 г.)

Ш.С. Сафаров

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

А.А. Яхшиев

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат филологических наук, доцент

Н.К. Турниязов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировое языкознание в настоящее время характеризуется тем, что основное внимание уделяется изучению функциональных аспектов языка в обществе, в жизни разных народов, психолингвистическим, лингвокогнитивным, лингвокультурологическим и социолингвистическим проблемам. Это, в свою очередь, дополнительно повышает необходимость изучения закономерностей, участвующих в обеспечении взаимосвязей, возникающих на различных уровнях языка. Систематическое обогащение состава словаря языка порождает необходимость осмысления его сущности, объема, роли влияющих на него факторов и сопутствующих проблем, а также поиска научно обоснованных путей их решения.

В мировой лингвистике особое значение придается анализу динамики языка, ставшей основной проблематикой лингвокультурологии, прагмалингвистики и когнитивной лингвистики, изучению закономерностей, определяющих историческое развитие лексических единиц языка, оценке человеческого фактора в языке, определению соотношения языка и мышления, языка и сознания, языка и культуры отношений, а также различных внутренних и внешних факторов. Возникновение новых лингвистических теорий о причинах и следствиях возникновения различий в семантической структуре языковых единиц, общих с точки зрения их происхождения, с целью проведения тщательного сравнительно-типологического анализа характера изменений, происходящих в семантической структуре слов, определяет связь темы настоящего исследования с современными тенденциями мирового языкознания.

После обретения независимости, в узбекском языкознании особое внимание уделяется системно-семантическому и функционально-коммуникативному анализу единиц языковой системы. В частности, эффективным оказывается анализ семантики лексических единиц с использованием многоаспектного сравнительно-исторического метода. Нет сомнения в том, что изучение лингвистической природы лексических дублетов также обладает признаками научной новизны, однако до настоящего времени общезыковая сущность лексических дублетов и их особенности в каждом языке не были объектом отдельного исследования, к тому же лексические дублеты еще не изучались в плане двух неродственных языков – английского и узбекского. Государственная программа "Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"²⁴ предусматривает стимулирование научных исследований и совершенствование инновационной деятельности, а также проведение углубленных и новых исследований в области лингвистики, что определено в качестве приоритетного направления. Соответственно, в процессе изучения иностранного языка уточнение лексико-семантических характеристик дублетов имеет сегодня большое значение при

²⁴ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 г. Режим доступа <https://nrm.uz/content?doc=491330>

исследовании таких вопросов, как актуализация их семантических возможностей в различных текстах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных рядом нормативно-правовых актов, таких как Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-2909 "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования" от 20 апреля 2017 г., ПП-3151 "О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием" от 27 июля 2017 г., ПП-3775 "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах" от 5 июня 2018 г., Указа Президента Республики Узбекистан УП-5847 "Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 20230 года" от 8 октября 2019 года, и других документов, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан: 1. "Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства".

Степень изученности проблемы. В мировой лингвистике XX века было проведено множество исследований описательного, сравнительно-исторического и историко-этимологического характера относительно языковой природы лексических дублетов. Изучение языковой природы лексических дублетов привлекает заслуженный интерес исследователей, как с семантической, так и фонетической точек зрения. В то же время, в современной лексикологии до сих пор остаются нерешенными многие вопросы, посвященные преимущественно освещению различных аспектов исторического развития словарного состава языка. Для полноценного изучения этой проблемы словарный состав языка должен быть подвергнут анализу на каждом этапе развития языка.

Лексические дублеты изучались в мировой и узбекской лингвистике в основном по следующим направлениям. Исследования по определению статуса лексических дублетов как единицы языка проводились такими учеными как Н.Н. Амосова (1956), А. И. Смирницкий (1998), И. В. Арнольд (2012), Ш.С. Рахматуллаев (2006), А. Ходжиев (2012), М. Миртоджиев (2010), И. Кучкортоев (1977)²⁵ и другие. Вопросы, связанные с происхождением

²⁵ Амосова Н.Н. Этимологические основы словарного состава современного английского языка. –М.: Издательство литературы на иностранных языках, 1956. -218 с.; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –М.: Московский Государственный Университет, 1998. - 260 с.; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка : учеб. пособие. –2-е изд., перераб. –М.: ФЛИНТА: Наука, 2012. – 376 с.; Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Университет, 2006. - 464 б.; Ҳожиёв А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981. -312 б.; Миртоджиев М. Ўзбек тили

лексических дублетов, рассматривали И.А. Василевская (1966), В.М. Лейчик (1973), М.И. Чернышева (1994), И.Ф. Жданова (1953), А.П. Деркач (1954), Н.М. Локтионова (2002), Х.В. Мирзахмедова (2017), Б.Х. Данияров (2020)²⁶.

Характер отношения компонентов, составляющих лексические дублеты английского языка, изучали А.В. Кунин (1972), Е.Ф. Дмитриева (1954), М.С. Айрапетян (1953), В.И. Фадеев (1970), Ю.Д. Апресян (1974), И.В. Царевская (2006)²⁷ и другие.

Западные лингвисты изучали морфологические особенности дублетов (С. Fehringer, 2004; I. Hegedűs, 2014), ассимиляцию дублетов и их значение в структуре английского словаря (А. McMahon, 2000; В. L. Hoffer, 2005); разрабатывали классификации дублетов (А.Р. Sesarsdóttir, 2015), исследовали семантические аспекты дублетов, используемых в различных сферах (А. Buşilă, 2018)²⁸.

Однако на сегодняшний день лексические дубликаты в английском и узбекском языках до конца не изучены в лингвокультурологическом, функциональном и сопоставительном аспектах. Данная работа посвящена изучению лингвокультурологической природы лексических дублетов в английском и узбекском языках.

Связь темы диссертации и планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена

семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010. - 284 б.; Кўчкортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. - 168 б.

